

## **НАЗИР ШОЛИКОРОВ(1881-1938)**

Назир Шоликоров 1881 йил Хива шаҳрининг Ур маҳалласида бой савдогар Қурбонниёз Шоликоров хонадонида дунёга келган. У аввал эски мактаб ва мадрасаларда ўқиб таълим олди. Сўнг ота касби савдо ишлари билан Москва, Петербург шаҳарларига қатнаб, рус тилини ўрганди. Назир Шоликоров дунё кезиб, Европа маданияти, илм фани ютуқлари билан жуда эрта танишган. У ҳамон ўрта асрча ишлаб чиқариш ва бошқарув хукмронлик қилаётган Хива хонлигига ислоҳотлар ўтказиш тарафдори эди. Назир 1904 йил ташкил этилган “Жамияти хайрия” ўюшмасига биринчилардан бўлиб аъзо бўлди. Ташкилотнинг асосий мақсади ўлкада жадид мактабларини очиш ва маърифатпарварлик ғояларини кенг тарқатишдан иборат бўлган.

1914 йил августда “Ёш хиваликлар” партиясининг шаклланишида Назир Шоликоров Полвонниёз ҳожи Юсупов, Бобониёз Жуманиёзов, Ҳусайнбек Матмуродов, Бобоохун Салимов каби инсонлар билан бир сафда бўлди. Айниқса, 1917 йил 6 апрель куни юз берган воқеъликларда Кўхна арк майдонидан йиғилган аҳоли ўртасида Исфандиёрхон томонидан тасдиқланган Манифестни ўқиб эшилтиришда ва “Идораи машрутия”нинг тузилишида катта роль ўйнади. Назир Шоликоров табиатан адолатпарвар ва ўта жасур инсон бўлганлиги учун Асфандиёрхон ва Жунаидхонлар томонидан ҳам кейин совет маъмурлари томонидан ҳам кўп бор таъқибга олинган.

1917 йил 23 май куни Исфандиёрхон ва унинг тарафдори томонидан “Иродай машрутия” тарқатилиб, унинг аъзолари қамоқقا олинади. Кейинчалик Назир Шоликоров ҳам бошқа “Ёш хиваликлар” партияси вакиллари қаторида “динсизликда” айбланиб қози судига топширилади. Шундан сўнг у хонлик худудини тарқ этиб Тошкентга чиқиб кетишга мажбур бўлади. Бироқ, бир зум бўлсин курашдан тўхтамади.

1920 йил  
27-30 апрел  
кунлари  
үтказилган  
Бутун Хоразм  
халқ  
вакилларининг  
1-қурултойида  
Хива хонлиги  
тугатилиб,  
воҳада совет  
республикаси



эълон қилинди. Назир Шоликоров мазкур хукуматда дастлаб Хорижия нозири, сўнг Ички ишлар нозири лавозимларга тайинланди. Шунингдек, Хоразм Халқ Шуролар Жумҳурияти Адлия нозирлиги қошида тузилган милиция бошқармаси бошлиғи ва Хива шаҳар мудофаа бўлими бошлиғи лавозимларида фаолият юритиб келди. Бироқ, кейинги йилларда “Ёш хиваликлар” партияси аъзоси, савдогар буржуа қатлам вакили сифатида совет идоралари томониданяна таъқибга олина бошлайди.

1930 йилга келиб Назир Шоликоров оғир аҳволга тушиб қолади. 1931 йил 20 марта ЎзССР ХКС раиси Файзулла Хўжаев қабулида бўлиб, ўзига 150 сўм миқдорида нафақа белгиланишига эришади. Бироқ, шундан кейин ҳам таъқибдан қутила олмади. 1933 йилда яна қамоққа олиниб, 5 ой давомида қамоқда бўлади....

1937 йил 25 август куни ЎзССР ИИХК Загвоздин Назир Шоликоровни қамоққа олиш учун қарор қиласди. Унда 1921 йилдан “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси, Файзулла Хўжаев, Давлат Ризаев каби “халқ душманлари”нинг думи, Англия агенти деб ЎзССР ЖКнинг 60, 67 – моддалари билан айбланади. Шу куни уни қамоққа олиш учун ордер ҳам берилди.

Аслида Н.Шоликоров 1937 йил 16 август куни Хоразм округ ИИХК бўлими бошлиғи Калмиковнинг қарори асосида қамоқقا олинган. Унинг Хива шаҳри, 1-участка 2-элат, 314 хонадонида тинтув ўтказилиб, уйдан паспорти ва бошқа 100 варакдан ортиқ хат, ёзишмалари, хужжатлари, 75 та турли суратлар олиб кетилади.

1937 йил 25 август куни тўлдирилган анкетасида унинг оиласи турмуш ўртоғи Бибиҷон (42 ёш) фарзандлари қизи Азизахон (18 ёш), Ҳожархон (9 ёш), Сораҳон (6 ёш), ўғли Файзулла (4 ёш) ҳамда кенжা қизи Марямхон (4 ойлик)лардан иборат деб кўрсатилган.

1937 йил 15 ноябрь кунги сўроқ баённомасида у “Миллий иттиҳод” аъзолари сифатида Бекжон Раҳмон, Абдулла Заргар Ҳусайнов, мулла Муҳаммаджон Абдалов, Жуманиёз Бобониёзов, Бекжон Назаров, Полёз Юсупов, Бобожон Отажонов, Давлат Ризаев, Воис Раҳимов каби қўплаб инсонларнинг номлари келтиради.

1937 йил 14 декабрь куни сўроқда терговчининг Троцкий ва Зиновьевларнинг китобларини нега уйда сақлагансиз деган саволига уйимда бунақа китоблар йўқ эди. Қаердан келганини ҳам билмайман. Ўзи Троцкийни расмидан танишим мумкин, лекин Зиновьевнинг ким эканини ҳам билмайман, дейди.

Назир Шоликоров 1937 йил 1 декабрь куни Мадамин Ишжонов, 1937 йил 19 декабрь куни Худойберган Девонов, 1938 йил 3 октябрь куни Воис Раҳимиylар билан юзлаштирилган. 1938 йил 1 октябрь куни терговчи Назир Шоликоровни сўроққа чақириб, унинг 1-корпус 1-камерада маҳбусларга “мен судда барча кўрсатмаларимдан воз кечаман” деган демаганини сўрайди. У судда ўзининг аввал айтган сўзларининг ҳаммасини албатта, тан олишини ваъда беради...

Назир Шоликоров айблов баённомасида ЎзССР ЖКнинг 57-моддаси 1-қисми, 58-, 64-, 67-моддалари билан айбланди. Унинг иши 1938 йил 5 октябрь куни соат 10 10 – 10 25 гача давом этди. Суд баённомасида ёзилишича, у ўзига қўйилган барча айбларини тан олган ва сўзининг сўнгига

ўзининг жонини асраб қолишларини сўраган эмиш. Ваҳоланки, Назир Шоликоров 4 октябрь тунида отиб ташланган эди...

1958 йил 8 март санаси билан Султон Раҳмонов Н.Шоликоровнинг турмуш ўртоғи Бибижон Машарипова номидан ЎзССР ИИВ Урганч шаҳар бошлиғи номига ариза билан мурожаат этишади. Шундан сўнг Н.Шоликоровнинг иши қайта кўрилиб, 1958 йил 4 декабрь куни СССР Олий Суди харб коллегияси томонидан оқланади...

Собир Овулович Шоликоров биз билан сұхбатда: бобомиз Хиванинг катта савдогарларидан Сайдниёз Шоликорбой ҳақидаги ҳикоялар ҳамон тиллардан тилларга ўтиб келади. Айтишларича Сайдниёз Шоликорбой ўз даврида ҳалоллиги билан ном қозонган эканлар. Бир гал Россиядан келтирган бир тўп оқ сақичининг ичидан катта миқдорда олтин чиқади. Ҳамкорларига хат ёзиб вазиятни маълум қилса, улар биз сизга олтин эмас сақич юборганмиз. Ичидан нима чиққан бўлса ҳам у сизники деган мазмунда жавоб олади. Ҳалоллигига шубҳада бўлган молни нима қилишни билмай қозига мурожаат қиласди. Масала Оллоҳқулихоннинг саройигача чиқади ва хонинг маслаҳати билан бу пулга масжид қурадиган бўлади. Масжид қуриш ишлари қизғин кетаётганида бир куни хоннинг шу томонга йўли тушиб қолади ва Сайдниёз бойга “Хорманг, мадраса ҳам якунланай деб қолдими” дейди. Сайдниёзбой тушунадики хон ҳазрат мадраса қурилишига ҳам рози эканлар. Шундан сўнг масжид ёнидаги ерларни кенгайтириб мадраса қурилишини ҳам бошлаб юборадилар. Бу пайтда қозоқ даштларидан йилда бир маротаба кўп сонли чорваларини Хива бозорига келтириб сотадиган қозоқ ошнаси барча савдодан тушган пуллари бўлган ҳамёнини қаердадир қолдириб кетган экан. Кейинги йил келганида эса ҳамёнини Сайдниёзбойнинг меҳмонхонасидан қандай қолдирган бўлса шундай ҳолда топади. Дўсти мен бу пуллардан аллақачон умид узгандим. Қариндошларим ўз чорваларидан менга ҳадя қилишиб, чорвамни ҳам тиклаб олдим. Энди шу пулни сенинг мадраса қурилишингга сарфласам дейди. Шу тарзда Аллоҳнинг ҳикмати билан

Хиванинг ўзига хос иморатларидан бўлган Сайдниёз Шоликорбой масжид мадрасаси дунёга келган экан.

Энг қизифи шу масжидда совет замонида ҳам ҳозиргача ҳам жума намози ўқилади. Сайдниёз Шоликорбойнинг ўғли Қурбонниёз Шоликорбой ҳам Хиванинг ўзига яраша обрўли савдогарларидан бўлган. Қурбонниёз Шоликорбойнинг икки ўғли бўлиб каттаси Назир Шоликоров, иккинчи ўғли Отаниёз Шоликоров бўлган. Мен Отаниёз Шоликоровнинг набираси Овул Шоликоровнинг ўғлимани. Отам қўп йиллар она тили ва адабиёти муаллими бўлиб элга хизмати сингтан устоз мураббийлардан эди. У киши Назир Шоликоровнинг оқланишида ва номларининг абадийлаштирилишида катта ишларни амалга оширганлар. Биз Назир бувамнинг кенжа қизлари Марям аммамиз билан доимий қариндошлик алоқасида бўлганмиз. У киши Тўрткўлда яшар эди, 2004 йил вафот этганлар...

*Манба: Б.Ирзаев, Ю.Раҳмонова. Хоразм вилояти Хотира китоби (41-45 бет)*